

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

ЛОГОПЕДИК ЎЙИН

ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Tuzuvchi: - Buxoro shahridagi 123-son kar va zaif eshituvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab internat o‘qituvchisi
Umida Kaxramonovna Abdullaeva

Taqrizchi: Respublika tashxis markazi, inklyuziv ilmiy amaliy tekshirish bo‘limi mudiri **Ubayda Yunusovna Fayzieva**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	12
III. Назарий машғулот материаллари	17
IV. Кейслар банки	47
V. Мустақил таълим мавзулари	50
VI. Глоссарий	52
VII. Адабиётлар рўйхати	57

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик эълон қилинган кундан эътиборан давлатимиз томонидан ёш авлод келажагимизнинг пойдевори, унинг истиқболини белгиловчи омил сифатида эътироф этилиши ҳамда ўсиб келаётган фарзандларимизнинг таълим-тарбияси масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратилиши танлаб олинган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканлигининг исботидир. Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамият мактаб ёшида бўлган болаларни ягона талаб асосида ривожлантириш вазифасини қўйди. Шунга кўра “Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари” га таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарор мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-3305-сонли Қарори баён этилган ва ушбу қарорлар асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний ва руҳий томондан тўғри ривожланиши унинг ақлий тараққиётига бевосита таъсир этади. Боланинг ҳар томонлама шаклланиши ҳамда ривожланишида нутқнинг тўлиқ ривожланиши катта аҳамиятга эга. Нутқ тафаккур қуроли ва мулоқат воситаси ҳисобланади Миллат тафаккури, маънавияти ва маданиятини кўрсатиб берувчи жаҳон миқёсида тан олинган асосий мезон бу тилдир. Авлодлар аجدодлари томонидан қолдирилган бой маънавий меросни нутқ орқали эгаллаб, ўзлари учун муносиб тарзда ҳаёт кечириш, такомиллаштириб, келгуси авлодларига етказиб бориш имконига эга бўладилар. Шу сабабли ҳам ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлатда таълим-тарбия олувчиларнинг нутқий тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинади. Айниқса, Шарқ мамлакатлари, хусусан Ватанимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бой маънавий манбаларда бола тарбияси, унда нутқнинг ўрни, бу борада бола тарбияси билан шуғулланувчилар томонидан амалга оширилувчи ҳамда эътибор берилиши лозим бўлган масалаларга ўринли аҳамият бериб келинган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Логопедик ўйин фани логопедия фанининг бир тармоғи бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларда учрайдиган нутқ камчиликларини логопедик ўйинлар асосида бартараф этиш ва коррекциялашдан иборат.

Модулнинг вазифалари

Вазифаси – мактабгача ёшдаги нутқ камчилигига эга бўлган болаларда намоён бўладиган нутқ бузилишларини назарий ва амалий томондан ўрганиши, амалий машғулотларда бўлғуси фаолияти учун зарур кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, логопедик ўйин машғулотлар учун дидактик материалларни тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

- *логопедик ўйин* логопедиянинг таркибий қисми эканлиги;
- логопедик ўйиннинг мазмуни ва вазифалари;
- логопедик ўйиннинг коррекцион аҳамияти;
- логопедик ўйин турлари: тайёрлов ўйинлари, нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантиришга оид ўйинлар, товушларни нутққа қўйиш, мустахкамлаш, фарқлашга қаратилган ўйинлар, дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар.
- нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-тарбиявий жараёни ташкил этиш ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;
- логопедик ҳужжатларни юритиш;
- логопедик ўйинларни қўллаш технологиялари;
- махсус муассасаларнинг логопедик машғулотларида логопедик ўйинларни режалаштиришни;
- логопедик машғулотлар учун дидактик материаллар танлай билиш ҳамда унинг усуллари амалиётда қўллашни **билиши ва фойдалана олиши**;
- коррекцион -педагогик жараёни назарий-амалий таҳлил этиш;
- логопедик машғулотлар учун логопедик ўйинларни тўғри танлай олиш, тайёрлаш ва самарали қўллаш олиш;
- педагогик жараёни назарий-амалий таҳлил этиш;
- логопедик ўйинлар ўтказиш жараёнида нутқ камчилигига эга бўлган болаларга индивидуал ва дифференциал ёндошиш;
- ота-оналар билан ишлаш, нутқ бузилишига эга бўлган болалар таълим-тарбия назариясини амалда қўллаш;
- логопедик ўйинлар ўтказиш учун дидактик материаллар тайёрлаш;

– нутқ бузилишига эга бўлган болаларга психологик-педагогик тавсиф бера олиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Логопедик ўйин модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда бола шахсининг ривожланишида ўйиннинг ўрни, артикуляцион моторикани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар, товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлашга оид ўйинлар, дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар. Амалий машғулотларда болалар билан тарбиявий ва логопедик ишларни олиб боришида ўйиннинг аҳамияти, нутқ камчиликларини бартараф этишга қаратилган тайёрлов ўйинлари, товушлар талаффузини шакллантириш, мустаҳкамлаш, фарқлашга қаратилган ўйинлар, дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар.

Машғулотларда техник воситалардан: “Олти тафаккур қалпоқлари” технологияси, Т-жадвали, Венн диаграммаси , Нима учун, “ФСМУ” методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режада режалаштирилган логопедия, логопедик ритмика, модуллари билан узвий боғланган ҳолда дефектолог (логопед) ларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул Логопедия, логопедик ритмика модуллари билан узвий боғланган ҳолда дефектологларнинг (логопед) касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни махсус мактабгача таълимда замонавий ёндошувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат

Модул бўйича соатлар тақсимоти
1.1. Логопедик ўйин

№	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Логопедик ўйин курсининг умумий масалалари, бола шахсини ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.	2		2			
2.	Артикуляцион моторикани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.	6		2	2	2	
3.	Товушлар талаффузини шакллантириш, мустаҳкамлаш, фарқлашга қаратилган ўйинлар.	6		2	2	2	
4.	Дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар.	4		2	2		
5.	Болалар билан тарбиявий ва логопедик ишларни олиб боришда ўйиннинг аҳамияти.	6			2		4
6.	Нутқ камчиликларини бартараф этишга қаратилган тайёрлов ўйинлари.	4			2		2
Жами		28		8	10	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Логопедик ўйин курсининг умумий масалалари, бола шахсини ривожланишида ўйиннинг аҳамияти. (2 соат маъруза)

Логопедик ўйин фанининг мақсад ва вазифалари. Бола шахсининг ривожланишида ўйиннинг таълимий, тарбиявий, коррекцион йўналтирилганлиги. Мактабгача ёшдаги болалар нутқидаги

камчиликларни коррекциялашда логопедик ўйинларни қўллаш ва уларга қўйиладиган талаблар.

2-Мавзу: Артикуляцион моторикани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. (2 соат маъруза).

Переферик нутқ аппарати ва вазифалари. Тил ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Лаб ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

3-Мавзу: Товушлар талаффузини шакллантириш, мустаҳкамлашга қаратилган ўйинлар. (2-соат).

Сирғалувчи ва шовқинли товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар. Тил орқа товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар.

4-Мавзу: Дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар (2-соат).

Дудукланишни бартараф этишга қаратилган нутқий нафас ўйинлари, Дудукланишни бартараф этишда дидактик ва ҳаракатли ўйинлар. Дудукланишни бартараф этишда релоксация машқлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Болалар билан тарбиявий ва логопедик ишларни олиб боришда ўйиннинг аҳамияти (2-соат).

Логопедик ўйин фани Логопедия фанининг бир йўналиши эканлиги. Боланинг жисмоний, ақлий, нутқий ривожланишида ўйиннинг аҳамияти. Ўйин турлари. Воқеабанд ўйинлар орқали бола нутқини ривожлантириш. Ҳаракатли ўйинлар орқали умумий, майда қўл моторикалари ҳаракатчанлиги ва нутқини ривожлантириш. Дидактик ўйинлар орқали болада тафаккури ва нутқини ривожлантириш.

2-Мавзу: Артикуляцион моторикани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар (2-соат).

Артикуляцион моторикани ривожлантиришга оид ўйинлар. Тил ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Лаб ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Ўйинларни ўтказиш методикаси. Режа-матн ёзиш.

3-Мавзу: Нутқ камчиликларини бартараф этишга қаратилган тайёрлов ўйинлари

Тайёрлов ўйинларининг мақсад ва вазифалари. Нафаси ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Овозни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Физиологик эшитиш ва эшитиш диққатини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Нутқий эшитишни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар. Ўйинларни ўтказиш методикаси. Режа-матн ёзиш.

4-Мавзу: Товушлар талаффузини шакллантириш, мустаҳкамлаш, фарқлашга қаратилган ўйинлар

Логопедик машғулотларда сирғалувчи товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш, кўргазмалар тайёрлаш. Шовқинли товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш, кўргазмалар тайёрлаш. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш. кўргазмалар тайёрлаш. Тил орқа товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш. кўргазмалар тайёрлаш.

5-мавзу: Дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар

Дудукланувчи болалар руҳиятининг ўзига ҳослиги. Дудукланиш нутқ камчилигида нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш. Кўргазмалар тайёрлаш. Дудукланишни бартараф этишда сукут сақлашга қаратилган ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш. Кўргазмалар тайёрлаш. Дудукланишни бартараф этишда дидактик ва ҳаракатли ўйинларни ўтказиш. Режа-матн ёзиш. Кўргазмалар тайёрлаш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида “Бола нутқининг ривожланишида логопедик ўйинларнинг аҳамияти” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- баҳс ва мунозаралар (логопедик машғулотларда нутқни коррекциялашга оид ўйинлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

Ақлий ҳужум	- (брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
Қоидалари	Имкони борида кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1) - Иштирокчиларни қўллаб-қувватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); - юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; - ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; - талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тўсқинликни йўқотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказиши (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -Энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:
- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш; - ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш; - фаол фикрлаш малакасини шакллантириш; - кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш; - топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:
- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади; - оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади; - барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади; - агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради; - “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур; - таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна:

Фикр: Нутқ камчиликларини коррекциялаш ва бартараф этишда ўйинларнинг аҳамияти.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Олти тафаккур қалпоқлари” технологияси

Технологиянинг мақсади: Эдвард де Боно томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур технология иштирокчилардаги ижодий тафаккурини ривожлантириш. Берилган маълумотларни бта нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш. Мазкур технологиядан мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан билимларини аниқлашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Технология қатнашчилари бта гуруҳга бўлинади.

Қатнашчиларга тарқатма маъруза матни берилади.

Ҳар бир гуруҳга 6 та рангдан бирини танлаш сўралади.

Қизил қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни эмоционал томондан кўриб чиқиш
Қора қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни салбий томондан кўриб чиқиш
Яшил қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни инновация нуқтаи назаридан кўриб чиқиш
Оқ қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни фактларини кўриб чиқиш
Сариқ қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни ижобий томондан кўриб чиқиш
Кўк қалпоқ	Маъруза матндаги маълумотларни кўриб чиқиш ва умумий хулоса қилиш

Ҳар бир танланган шляпага мос равишда қатнашчилар берилган маъруза матнини кўриб чиқилади.

Гуруҳли иш тугаллангандан сўнг ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади.


Венн диаграммаси

Технологиянинг мақсади: объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

2 ва ундан ортиқ объектларнинг хусусиятлари билан таништирилади;

2 ва ундан ортиқ объектларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари таққосланади.




“Нима учун” технологияси

Технологиянинг мақсади: муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўллаш.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Технология қатнашчиларидан сабабларини аниқлаш сўралади;




Т-жадвал

Технологиянинг мақсади: концепцияга, воқеяликка, объектга нисбатан муносабат билдириш қўникмаларини шакллантириш.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Технология қатнашчиларидан 1 та объектга салбий ва ижобий муносабатини билдириш сўралади;



НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Логопедик ўйин курсининг умумий масалалари, бола шахсини ривожланишида ўйиннинг аҳамияти. (2 соат)

Режа:

1.1. Логопедик ўйин фанининг мақсади. Болаларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.

1.2. Ўйин турлари.

Таянч иборалар: ўйиннинг таълимий йўналтирилганлиги, ўйиннинг тарбиявий йўналтирилганлиги, ўйиннинг коррекцион йўналтирилганлиги ижодий ўйинлар, қоидалар ўйинлар, дидактик ўйинлар.

1.1.Логопедик ўйин фанининг мақсади. Болаларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.

Айтиб ўтиш жоизки, мустақилликка эришилиши биланок, ҳукуматимиз томонидан ўсиб улғаяётган болажонларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, уни амалга оширишда асосий омиллардан саналувчи тил ўқитиш масалаларига кучли эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай диққат эътибор она тилини ўрганиш ва ўқитиш ўзлигимизни англаш, унинг эртанги кунимиз пойдевори бўлган ёшларимизни муносиб тарзда тарбиялаб, вояга етказишнинг муҳим воситаси эканлигини чуқур тушуниш билан асосланади. Маълумки, тил воситасида инсон мулоқотга киришади – фикр алмашади, ахборот олади, билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди. Жамиятда тилни ўзлаштириш жараёни кишиларнинг ўзаро нутқий фаолияти (коммуникацияси) шароитида амалга ошади. Нутқи ўз ёшига нисбатан қўйилган талаблар даражасида ривожланган бола атрофдагилар билан тез ва енгил мулоқотга киришади, ўз истак ва фикрини тушунарли қилиб ифода эта олади, мактабда муваффақиятли ўқиб кетиши учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни эгаллайди. Шу жиҳатдан қараганда, мактабгача ёш даврида бола нутқини тизимли ривожлантириш жамият аҳамиятига эга бўлган вазифалардан бири саналади. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг асосий фаолияти ўйиндир. У орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган. Ўйин болалар учун ҳақиқий ҳаётдир. А.П.Усова шундай деган эди “Болалар ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этиш – уларни тарбиялаш демакдир. Болаларнинг тарбияланишининг ўйин шакли шунинг учун ҳам самарали натижа берадики, ўйинда бола яшашни ўрганмайди, балки ўз ҳаёти билан яшайди”¹. Ўйин фаолиятидан кўп қиррали ва кенг фойдаланиш, ўйин

¹В.И.Селивёрстов. Игры в логопедической работе с детьми. М-1991. Стр-82

орқали болага ҳар томонлама таъсир этишдир. Ўйин болалар ёшига хос ва мос бўлиши керак. Я.А. Каменский., Э.А.Полков ўз асарларида болалар ўйинига жиддий эътибор берилганлигини кўрамиз. У “болалар ўйинини эъзозланг, ҳақиқий меҳнатсеварларни тарбиялашда у сизнинг энг яхши ҳамкорингиздир”- деган фикрларни билдирган. Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қондирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш тизимида ўйин муносиб ўрин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Е.А.Аркин ўйин руҳий витамин деб бекорга айтмаган. А.В.Запорожец болалар ўйинининг илк ёшдан бошлаб кузатиб бориш натижасида уни ҳаракатга келтирувчи сабаблар, ривожланиш қонуниятлари, ҳар хил ёш босқичларида болалар ўйинининг ўзига хос томонлари, мазмуни ва тузилишини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Илк ёшли болалар ўйин фаолиятининг биринчи босқичи таништирувчи ўйин бўлиб, у нарса-буюм-ўйин фаолиятидир. Унинг мазмуни қўлнинг мураккаб ва нозик ҳаракатларидир. Кейинги босқич акс эттириш ўйини ҳисобланади. Бу илк ёшли болалар ўйини психологик мазмунининг ривожланишида энг юқори нуқта ҳисобланади. Катталар таълим-тарбиявий ишларини маълум изчиллик билан олиб борсалар, бу ёшдаги болалар нарса ва буюмлар номини, нимага ишлатилишини билиб оладилар ва бу янги билимларни ўз ўйинларида қўллай бошлайдилар. Бу ёшдаги болалар ўйин мазмуни жиҳатидан предметли фаолиятни акс эттиради. Биринчи ёшнинг охири ва иккинчи ёшдаги болалар ўйинида сюжетни акс эттириш юзага келади. Бола куйидаги буюм билан ундан қандай фойдаланиш кераклигини акс эттиради. Масалан, қошиқ билан овқат ейилади, пиёладан чой ичилади ва ҳоказо. Шунинг асосида сюжетли-ролли ўйиннинг дастлабки қирралари юзага кела бошлайди. Навбатдаги босқич ролли ўйин бўлиб, унда болалар ўзларига таниш бўлган катталар меҳнати ва кишиларнинг ижтимоий муносабатларини акс эттирадилар. Болалар ўйин фаолиятининг босқичма-босқич ривожланиши тўғрисидаги умумий тасаввурлар ҳар хил ёш гуруҳларида болаларнинг ўйин фаолиятига раҳбарликни аниқ тизимли тавсияларини ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Болалар боғчасининг педагогик жараёнида ўйиннинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, ўйиндан мактабгача тарбия ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланилади. Зеро:

- ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;
- ўйин мактабгача тарбия ёшдаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;
- ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;
- ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг метод ва усулидир;
- ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир;

Ўйин фаолияти орқали болаларда қуйдаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўйин орқали шахснинг маълум бир фаолиятига бўлган қизиқиши ортади.
2. Коммуникатив мулоқат маданиятини эгаллашга ёрдам беради.
3. Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши билим ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
4. Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга тайёрлайди, мўлжални тўғри олиш кўникмаларни хосил қилади.
5. Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атвори эгаллаш, камчиликларни барҳам бериш имконияти яратилади.
6. Шахснинг ижобий хислат ва фазилатларини шакллантиришга замин тайёрлайди.
7. Инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса, ижтимоий, маънавий-маданий ва умуминсоний қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади.
8. Ўйин иштирокчиларида жамоа, мулоқат маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.
9. Ўйин ва ўйин машқлари тортинчоқ болаларни ҳам фаоллаштиришга ёрдам беради.
10. Ўйин болаларни нутқини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўйин ва машқларда нутқий материал онгли равишда ўзлаштирилиб, механик ёдлашга йўл қўйилмайди.
11. Такрорлаш ва мустаҳкамлаш жараёнида нутқий материал тизимлаштирилади, умумлаштирилади, болалар ҳар бир буюмнинг ўзига хос сифат ва хусусиятларини билиб оладилар.

1.2. Ўйин турлари

Болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, шунинг учун уни қуйидагича туркумларга ажратилади: ижодий ёки воқеабанд ва қоидали ўйинларга бўлинади. Қоидали ўйинлар ўз навбатида дидактик ва ҳаракатли ўйинларга бўлинади.

Ижодий ўйинларнинг мазмунини болалар ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротларини, борлиқ ҳақидаги тушунчаларини ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар. Қоидали ўйинларда эса тайёр ўйин мазмуни, аниқ қоидалари, ҳаракатларини кетма-кетлиги олдиндан белгиланган. Ижодий ўйинлар билан қоидали ўйинларни фарқи шундаки: ижодий ўйинда болаларни фаоллиги сюжетни ривожланишига қаратилган бўлса, қоидали ўйинларда эса ақлий вазифани бажариш қоидаларга амал қилиш биринчи ўринда бўлади. Боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун мазмуни жиҳатидан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган жамоа зарур бўлади. Ўйин болаларни жисмоний, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томонидан тарбиялашда катта ўрин тутди. Ўйин таълим ва машғулотлар билан,

кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ижодий ўйинларда муҳим билимларни эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурни, ҳаёлни, диққатни, мустақилликни шакллантиради. Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланиши, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиши мумкин. Ўйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради. Ўйин яхши йўлга қуйилган педагогик жараёнда болаларнинг бутун ҳаётини қамраб олади ва унинг қизиқарли ўтишини таъминлайди. Болалар ўйинининг ўзига хослиги шундаки, у теварак - атрофдаги ҳаётни, кишиларнинг фаолияти, ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида хона болалар учун денгиз, ўрмон, метро станцияси, темирйўл вағони бўлиши мумкин ва ҳ.к. Ўйиннинг ижодкори, яратувчиси-болалардир. Улар ўйинда ўзларига таниш бўлган ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни уларга бўлган муносабатларини акс эттирадilar. Болалар ўйинининг яна бир ўзига хос хусусияти - унда ҳаракат, сўз ва образларнинг ўзаро боғланиб кетишидир. Ўйинда бола ўзи акс эттираётган қаҳрамонларнинг ҳис-ҳаяжони, кечинмалари, ҳаракатлари билан яшайди. Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қаҳрамон билан мулоқот ўрнатади, онаси, бемор, шифокор, хуллас ҳамма-ҳамманинг ўрнига ўзи гапираверади. Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикир алмашади, ўз ҳис-туйғу, кечинмаларини ўртоқлашади. Сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, теварак - атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Воқеабанд ўйинлар: Воқеабанд ўйин болаларнинг қизиқарли эрмагигина бўлиб қолмай, шу билан бир қаторда у болаларни ривожлантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳамдир. Аммо ўйин катталар томонидан ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилингандагина ижобий натижа беради. Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, бола шахсининг ҳамма томонларига, онгига, ҳис-туйғуларига, иродасига, ҳулқига таъсир этиши ва бундан болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний томондан тарбиялашда фойдаланиш лозим. Воқеабанд ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйин давомида болаларнинг нутқидаги камчиликлар коррекцияланади, майда қўл моторикалари ҳаракатчанлиги ривожлантирилади. Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилаётиб уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Ўйин жараёнида болалар ўз

хохишларини жамоа хохиши билан келишиб олишга ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўрганадилар. Воқеабанд ўйинларнинг асосий мақсади мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ижтимоий ҳаёт, касблар билан таништириш, луғат бойлигини ўстиришга қаратилган бўлади. Воқеабанд ўйинлар асосида болаларнинг атроф-олам ҳақидаги билимлари кенгайтирилади, луғат бойлиги ривожлантирилади, болалар нарсаларнинг ранги, шакли, нима учун ва қаерда ишлатилиши ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилиб борилади.

Харакатли ўйинлар: Ҳозирги ривожланган даврда ўз ишига ижодий ёндошадиган шахс шаклланиб келмоқда. Бу болаларни ҳар томонлама баркамол кишилар қилиб вояга етказишда, уларга жисмоний, ақлий ва эстетик тарбия бериш катта аҳамиятга эга. “Соғ танда – соғлом ақл” дейди халқимиз. Ҳа, жисмоний соғлом бола барча ишларни яхши бажаради, тетик ва хушчақчақ бўлади. Аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашда, шахсни камол топтиришда, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашда жисмоний тарбия, спорт, уларнинг кундалик ҳаётга жорий этишнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Соғломлаштириш вазифаларини ҳал этишда очиқ ҳавода машғулотларни олиб бориш катта аҳамиятга эга. Очиқ ҳаводаги машғулотлар болаларнинг табиат ва об-ҳаво ҳодисалари ҳақидаги билимларини кенгайтиради, бу ҳодисалар орасидаги боғланиш сабабларини ўрганишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида фикрлашни, нутқини ўз тушунчаларини баён этишни ривожлантиради. Турли ҳаракатлар боланинг хиссиётига ижобий таъсир кўрсатади, боланинг иродасини мустаҳкамлашга, мустақилликни ривожлантиришга ёрдам беради. Қоидали ҳаракатли ўйинлар мактабгача тарбия ёшидаги, кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг энг маъқул бўлган воситаларидан бири ҳисобланади. Ҳаракатли ўйинлар орқали бола жисмонан ва ақлан ривожланади, иродаси мустаҳкамланади, бола жамоада ўзини тутишга, маълум қоидаларга риоя қилишга ўрганади. Ҳаракатли ўйинларнинг етуқлиги шундаки, бунда инсон учун хос бўлган ҳаракатлар: юриш, югуриш, сакраш, ошиб ўтиш, отиш ва илиш каби машқларнинг барчасини қамраб олади. Ҳаракатли ўйинлар болада фақат тезкорлик, чаққонлик, куч, чидамлилиқни тарбиялаб қолмасдан балки, унинг ахлоқий жихатдан тарбияланишига йўналтирилган бўлиши керак. Масалан: гурухли ўйинлар болада ўртоқлик, меҳрибонлик, шахсий қарашларини ўзгалар қарашига мослаштира билиш хисларини тарбиялайди. Болада софдиллик, тўғрилиқ, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўргатади. Бу сифатлар эса турли меҳнат жараёнида асосий ўрин эгаллайди. Бола ҳаётининг кун тартибини шундай ташкил этиш керакки, боғчада, мактабда, уйда бола ҳаракат фаолиятига бўлган талабини қондира олсин. Ҳаракатларга бўлган эҳтиёжларни қондириш воситаларидан бири ўйинлар бўлиб, болаларга беҳисоб хурсандчилик ва қувноқлик бахш этади. Ўйинлар бирор – бир мазмунли, жамоали, жамоасиз, гурухли, шунингдек ўз ҳаракати бўйича жисмоний сифатларни намоён этишга йўналтирилган бўлиши керак. Ўйинларни тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчи ёки тарбиячи ўйиннинг мазмунини қандай ташкил этишни олдиндан ўйлаб қўйган ва режа асосида олиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазмун қисқа, аниқ, ҳиссиётли бўлиши керак. Ўйиннинг вақтини чегаралаш ҳам ёддан чиқмаслик керак. Бу ўйиннинг зарур шартларидандир. Ҳар бир ўйин ўтилгандан кейин ўйинга яқин яшаш ва баҳолаш, таҳлил қилиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Ўйинда фаол иштирок этган болалар мақтов эшитиб раҳбатлантиришлари, ким ўйин қоидаларига риоя қилмаганлиги, қоидаларни бузганликлари, қайси бола ўйинда фаол иштирок этмаганлигига изоҳ бериб борилади. Харакатли ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ўйин ғояси, миллийлиги, илмийлиги ва режасига эътибор бериб, тарбиявий, таълимий, соғломлаштириш натижаларига эришишга қаратилиши керак. Ўйиннинг муваффақиятли ўтиши кўп жihatдан роллар тақсимотига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўйинда иштирок этаётган болаларнинг характери, индивидуал хусусиятларини ва ривожланиш даражаларини инобатга олиш керак. Ўйин давомида жавобгарлик ва асосий роллар битта болага топширилмасдан, аста-секин барча болаларни жалб қилиб бориш лозим. Тарбиячи ҳар бир боланинг умумий ҳолатини кузатиб, таҳлил қилиб бориши лозим. Бола узоқ вақт битта ҳолатда туриб қолмаслиги, меърдан ортиқ тез чопмаслиги, ўйинга нисбатан бефарқ бўлмаслигини назорат қилиб бориш лозим. Ўтилган ўйин муҳокамасига барча болалар жалб этилиши керак. Бу эса болаларни ўз харакатларини таҳлил қилишга ўргатади. Ўйин қоидалари ва харакатларини тўғри бажаришга онгли муносабатларни уйғотади.

Дидактик ўйинлар: Дидактик ўйинлар болалар тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйин таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб унга ёрдам беради. Дидактик ўйин болаларнинг иш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир. Дидактик ўйинлар болаларнинг теvarак атроф тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилиятларини, ижодий кучларини, сенсор жараёнини ривожлантиради, олган билимларини тартибга солади. Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ ва қизиқарлироқ қилади. Болалар ёшларига мос қизиқарли фаолият орқали ўйинда амалга ошириладиган ақлий тарбия вазифасини жуда осон ва яхши ўзлаштирадilar. Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча кўп қувонч бағишлайди. Дидактик ўйинларнинг муҳим томони уни ўтказишдан кўзда тутиладиган ғоядир. Ўйин ғояси болаларда ўйинга қизиқиш уйғотади, кўпинча бу ғоя дидактик ўйинни бошлашга сабабчи бўлади. Дидактик ўйинда амал қилинадиган қоидалар ўйин харакатларининг тўғри нотўғрилигини аниқловчи ва уларга баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Болаларнинг бирор болага нисбатан “У ўйин қоидасини бузиб ўйнапти” дейишларининг ўзи уларнинг ўйин қоидаларига қандайдир ўзгартириб

бўлмайдиган қонундек муносабатда бўлишларини кўрсатади. Болаларнинг ўйин қоидаларини ўрганиб олишлари ва уларга риоя қилишлари уларда мустақилликни ўйин жараёнида ўз ўзини ўзаро бир бирларини назорат қила билиши қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради. Дидактик ўйиннинг ўйин фаолияти сифатидаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг бир бирлари билан ўзаро муносабатлари ўйин тарзида бўлади. Болалар кўпинча ўйин мазмуни билан белгиланадиган ва ўйин ҳаракатлари талаб қиладиган бирон бир рол бажарадилар. Дидактик ўйин амалий фаолият бўлиб унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Бу жиҳатдан дидактик ўйиннинг аҳамияти шундан иборатки, у олинган билимларини турлича қўлланиши учун ақлий фаолиятни кучайтириш учун қатъий шароит яратади. Якка тартибдаги дидактик ўйинни ташкил қилиш билан тарбиячи алоҳида муносабатлар учун қулай шароит яратади, ақлий фаолиятда орқада қолишнинг сабабларини аниқлайди, кўп машқ қилдириш билан бундай болаларнинг ўсиш даражасини оширади.

Дидактик ўйинлар қуйидаги мақсадларда ўтказилади. Болаларда дидактик ўйинчоқлар билан якка якка ўйнаш кўникмасини ривожлантириш, жамоа ўйинларини ташкил этиш, нарсаларни фақат бир рангига қараб ажратиб олиш, катта кичиклигига қараб ажратиш ҳалқачаларни ва кубикчаларни мунтазам шаклда териб, улардан нарсалар ясаш. Мусиқавий дидактик ўйинларда эса мусиқа овозларининг баъзи бир хусусиятларини фарқ қилишга ўргатиш қадам ва югуриш ритминини ажрата билишга ўргатиш вазифалари ҳам ҳал этилади. Дидактик ўйин орқали болаларда эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари ёрдами билан турли нарсалар ва уларни ясаш учун ишлатилган материалларнинг хоссаларини билиб олиш, нарсаларни ташқи кўринишга қараб бир бирига таққослаш гуруҳларга ажратишни ўргатиш вазифалари амалга оширилади. Дидактик ўйин давомида болалар ўртага қўйилган масалани ҳал этишда сабр матонатли бўлишга, қизиқувчанликка, диққат эътиборликка одатлантириб борилади. Мусиқавий дидактик ўйинлар орқали товушларни диққат билан тинглаб баланд пастлигига ритмига, тембрига, динамикасига қараб бир биридан фарқ қила олишга ўргатиб борилади. Катта гуруҳда дидактик ўйинлар қуйидаги вазифаларни ҳал этишни мақсад қилиб қўяди. Кузатувчанлик, нарсаларни текшира билиш, бир бирини таққослай олиш, уларнинг белгиларидаги кичик фарқларни айтиб бера олиш каби сенсор қобилиятларини тарбиялаш, бирон ҳайвон, ўсимлик, транспорт таъриф тавсиф қилиб берилганда уларнинг номини топа олиш малакасини ўстириш, болаларни умумий тасаввурини буюмларни умумий белгиларига қараб гуруҳларга бўлиш қобил ятини ривожлантириш, сўз бойлигини фаоллаштириш ва тўлдириш, қисмлардан яхлит нарсалар (кубиклар, мозаика ва бошқалар) ясаш малакасини ўстириш.

Назорат саволлари:

1. Боланинг жисмоний, ахлоқий, ақлий, нутқий ривожланишида ўйиннинг аҳамияти.
2. Ўйин ҳақида шарқ мутафаккирлари ва олимларнинг қарашлари.
3. Ўйинни ташкил этиш ва ўтказишга қўйиладиган талаблар.
4. Воқеабанд ўйинлар ва уларнинг мақсад, вазифалари. (ўйинлар келтиринг).
5. Дидактик ўйинлар ва уларнинг мақсад, вазифалари. (ўйинлар келтиринг).
6. Харакатли ўйинлар ва уларнинг мақсад, вазифалари. (ўйинлар келтиринг).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. Тошкент-2013.
3. М.Аюпова. Логопедия. Тошкент-2007.
5. К.Шодиева “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент.1995.
6. Игры в логопедической работе с детьми. Под ред. В.И.Селиверства. Москва 1991.
7. Соботович Е.Ф. Речевое недоразвитие у детей и пути его коррекции. – Москва - 2003.
8. И.Г. Веретенникова. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. Тошкент – 1998.
9. Филичёва Т., Чиркина. Г.В. Коррекционное обучение и воспитание детей 5-летнего возраста с общим недоразвитие речи. – М.: 1991.

2-Мавзу: Артикуляцион моторикани ривожлантиришга қаратилган ўйинлар (2 соат)

Режа:

1.1.Тил ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

1.2. Лаб ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

1.3.Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

Таянч иборалар: нутқ аппарати, артикуляция, нутқнинг тўлиқ ривожланмаслиги, фаоллаштириш.

1.1.Тил ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

Нутқнинг тўғри, раво ва мукамал ривожланишида артикуляцион аппарат тил, лаб, пастки жағларнинг анатомик тузилиши ва ҳаракатчанлигининг меъёрида ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ушбу органлардаги маълум бузилишлар нутқнинг тўлиқ ривожланмаслигига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам логопедик машғулотларда



болаларда нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантирувчи ўйинлар олиб борилади. Бу машғулотларнинг асосий вазифаси болаларда нутқ аппарати, яъни тил, лаб ва пастки жағ, тилчанинг ҳаракатланишини ривожлантиришга қаратилган. Қуйида нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантирувчи ўйинларни келтирамиз.

“Ширин мураббо” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга мураббони ялаётган қизнинг расми кўрсатилади. Логопед болаларга қарата шундай дейди: Қаранглар болалар Лолахон мураббо яхши кўрар экан. У мураббо еганда унинг юқориги ва пастки лабига мураббо ёпишиб қолибди. Қиз мураббони тили билан ялаб тозаламоқчи. (Тил ҳаракати билан мураббони ялаш кўрсатилади). Сўнгра болалар ҳам ушбу машқни қайтарадилар. Логопед ҳар бир бола машқни қандай бажараётганини кузатиб боради.

“Тишларимизни тозалаймиз” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қараган ҳолда бир қатор бўлиб ўтирадилар. Болаларга расм кўрсатилади. Қаранглар болалар, бола қандай қилиб тишларини тозалайпти. Биз ҳам ҳозир сизлар билан тишларимизни тозалаймиз. Фақат шётка билан эмас, балки тилимиз билан. Аввал логопед тил билан тишларини тозалашни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра ҳар бир болани олдида чақириб машқни бажаришини

кузатиб боради. Машқ бир неча марта бажартирилади. Болалар машқларни аниқ бажарилиши назорат қилиб борилади.

“От” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил учи ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар қатор бўлиб турадилар, яъни улар отчалардир. Логопеднинг “Кетдик” деган сўзидан сўнг болалар юрадилар ва шу билан бирга от юришига тақлид қиладилар (тра-тру, тра-тру). “Тўхтаб” дейилгандан сўнг эса тўхтаб, отни тўхтатиш овозига тақлид қиладилар (Дрр-дрр...). Сўнгра логопед ҳар бир болага алоҳида талаффуз эттиради. Логопед боланинг тили юқорига тишлар орасида бўлишини ва тил учи ҳаракатланишини кузатиб бориши керак. Тил учини тўғри кўтаришга эътибор бериш керак. Агар бола ушбу машқни бажара олмаса, конфет сўришга тақлид этишини ўргатиш орқали ушбу машқ ўргатилади.

“Соатча” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тил ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Логопед болаларга қарата шундай дейди. Қаранглар болалар биз эрталаб ухлаб ётган эдик. Соатимиз жиринглаб қолди. Биз соатга қарасак миллари ҳаракат қилаётган экан. Келинлар биз ҳам тилимиз билан ҳаракат қиламиз. Логопед болаларга тилларини ўнга, чапга, юқорига, пастга ҳаракат қилишни кўрсатади. Болаларнинг ҳаракатларни аниқ бажариши кузатиб борилади.



1.2. Лаб ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.

“Лабларимиз булочкадай думалоқ” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга думалоқ булочка чизилган расмни кўрсатади ва болалардан “Ким лабларини шундай думалоқ қила олади?” деб сўрайди. Аввал логопед болаларга ўзи лабларини думалоқ шаклга келтиришни кўрсатиб беради (о-о-о-о). Сўнгра болаларни кетма-кет чақириб, машқни эркин бажариш тавсия этилади. Болалар машқни эркин бажариши кузатиб борилади. Машқни бажаришда лабларнинг тўғри ҳаракати кузатиб борилади, оғиз очилган ҳолда бўлади, лекин пастки жағ олдинга чиқиб кетмаслиги керак.

“Ким яхши кулади?” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Жихоз: Бўғирсоқ, кўғирчоқ.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга шундай дейди. Болалар ҳаммамиз меҳмонга боришни ва меҳмон келганини яхши кўрамиз-а. Бугун бизнинг боғчамизга ҳам меҳмонлар келишмоқчи. Биз жуда хурсанд бўлдик. “Биз хурсанд бўлганимизда куламиз”, мана бундай (ўзи кулиб кўрсатади). Биз жуда хурсанд бўлиб кулганимизда тишларимиз кўринади. Қани болалар топингларчи боғчага ким меҳмонга келяти?, тўғри бўғирсоқ билан кўғирчоқ. Ҳаммамиз хурсанд ва кулиб уларни кутиб оламиз. Болалар тишларини кўрсатиб куладилар. Меҳмонлар билан ўйнаб жуда хурсанд бўлдик. Энди меҳмонларимиз кетмоқчи. Биз хафа бўлдик. Тишларимизни бекитамиз. Меҳмонларимиз яна келамиз дейишди. Биз хурсанд бўлдик. Куламиз. Шу тариқа машқлар бир неча марта такрорланади. Лаб ҳаракатларининг аниқ бажарилиши кузатиб борилади.

“Ким най чала олади?” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ярим доира ҳолда логопедга қараган ҳолда ўтирадилар. Логопед болаларга найнинг расмини кўрсатади ва болалардан лаблари билан най ҳосил қилиш сўралади. Аввал логопед най чалишни тақлид қилишни болаларга ўзи кўрсатиб беради. Сўнгра болалардан талаффуз этиш сўралади. Най чалиняпти деганда болалар лаблари билан най чалиш ҳаракатини бажарадилар. Куй тугади дейилганда болалар лабларини оддий ҳолга келтирадилар. Машқ бир неча марта такрорланади ва аниқ бажарилиши логопед томонидан кузатиб борилади.

1.3. Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган

ўйинлар

“Ўрмонда” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Лаб ва пастки жағ ҳаракатчанлигини фаоллаштириш.

Жиҳоз: Саватлар.

Ўйиннинг бориши: Қиз ва болалар доира бўлиб турадилар. Уларнинг кўлида саватчалар бор. Болалар ўрмонга кўзиқорин тергани кетишяпти. Логопед болаларга шундай дейди: Ҳаммамиз кўзиқоринни яхши кўрамиз, кўп қилиб кўзиқорин теришимиз керак. Лекин узоққа кетиб, адашиб қолманглар. Агар адашиб қолсанглар бир – биримизни “ау-ау-ау” деб чақирамиз. Лекин битта бола ўрмонда адашиб қолди. Болалар ўртоқларини қидиришяпти. Ау-ау Наргиза қаердасан? Логопед ҳар бир бола ау-ау товушларини қандай талаффуз этаётганини кузатиб бориши керак. Ау-товушлари талаффуз этилаётганида пастки жағимиз бир оз пастга тушади, лаблар думалоқ ҳолатда бўлади. Ушбу машқ болалар томонидан тўғри бажарилиши кузатиб борилади.

“Қўғирчоқ ухламоқчи” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат қилиб шундай дейди: Қаранглар сизлар билан ўйнаб қўғирчоғимиз чарчаб қолибди. Унинг ухлагиси келди. У чуқур нафас олиб эснапти. Логопед болаларга бир неча марта эснаш имитациясини кўрсатиб беради. Эснаганимизда оғзимиз очиқ холда, чуқур нафас оламиз, пастки жағимиз эса пастга тушган холда бўлади. Вазифани кўрсатиб бергандан сўнг логопед болаларнинг вазифани тўғри бажариб боришини кузатади.

“Қушларни боқиш” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар логопедга қарама-қарши стулчаларда ўтиришади. Логопед болаларга бир қуш тасвирланган расмни ва полопонларга дон бераётган қушчанинг расмини кўрсатади. Сўнггра логопед: Ҳозир биз ўйин ўйнаймиз. Сизлар қушчалар бўласизлар. Мен эса она қуш бўламан. Она қуш дон олиб келади, ҳамма қушчалар тумшукларини очишади. Донни еб бўлишгач тумшукларини ёпишади-деб айтади. Болалар ушбу ҳаракатларни бажаришади. Ўйинни бир неча марта қайтариш мумкин. Ўйин давомида болалар тўғри ва тинч ўтиришлари, бошларини тўғри тутишлари керак. Айниқса оғизни очганда ва ёпганда бошни орқага ташламаслик керак, ҳаракатларни аниқ бажариш лозим. Ҳаракатлар пастки жағ, тил ва лаб тинч турган ҳолда бажарилади.

“Қувноқ тилча” ўйини

Ўйиннинг мақсади: нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Бу ўйинни болани қизиқтирган ҳолда олиб бориш керак. Логопед болаларга унинг оғиз бўшлиғи уй деб тасаввур этишни тушунтиради. Бу уйчада кичкинагина, қувноқгина тилча яшайди. Тилча эрта туриб ойналарни очиб хонага тоза хаво киритади. Бунда болалар оғзини очади. Тилча юзини ювади, бунда тили билан лабларини ялайдилар. Чой ичсин деганда бола тилини учини икки четини буклаган ҳолда ҳавони ичига тортади. Логопед ўйинни давом эттиради. Тилчамиз нонушта қилгандан сўнг ўйнагани ташқарига чиқади, деганда бола икки лунжини иширади. Сўнг тилча тошдан тошга сакрасин деганда бола тил учи билан бирма-бир тишларига теккизиб чиқади. Логопед энди тилини отда сайирга чикди деганида бола тилини учини танглайга ботириб от туёқларининг овозига ўхшаб овоз чиқаради. Бу жараён давомида боланинг лаблари гоҳ кулгу, гоҳ чўччайган ҳолатида бўлади. Аллбатта бола бу машқларни логопед билан биргаликда тақлид асосида бажаради. Кейинроқ эса мустақил тарзда бажаришни бошлайди.

Назорат саволлари:

1. Периферик нутқ органларига қайси органлар киради.
2. Нутқ ҳосил бўлишида нафас, овоз, артикуляцион аппаратнинг ўрни.
3. Лаб ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинларга қандай ўйинлар киради.
4. Тил ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинларга қандай ўйинлар киради.
5. Пастки жағ ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратилган ўйинларга қандай ўйинлар киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. Тошкент-2013.
4. М.Аюпова. Логопедия. Тошкент-2007.
5. Соботович Е.Ф. Речевое недоразвитие у детей и пути его коррекции. – Москва - 2003.
6. И.Г. Веретенникова. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. Тошкент – 1998.
7. Назарова Э.Н., Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я. Логопедические игры. Тошкент-2007.
8. Крутий Г. Учимся играя. Москва – 2000 г.
9. Филичёва Т., Чиркина. Г.В.Устранение общего недоразвития речи у детей дошкольного возраста / Практическое пособие. – М.:2004.
10. Филичёва Т.Особенности формирования речи детей дошкольного возраста. – М.: 2000.

3-Мавзу: Товушлар талаффузини шакллантириш, мустаҳкамлашга қаратилган ўйинлар

Режа:

- 1.1.Сирғалувчи товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар.
- 1.2.Шовқинли товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар.
- 1.3. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар.
- 1.4. Тил орқа товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинлар.

Таянч иборала: Сирғалувчи ва шовқинли товушлар, сонор товушлар, тил орқа товушлари, мустаҳкамлаш, нутққа қўйиш, фарқлаш.

1.1.Сирғалувчи товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлашга қаратилган ўйинлар

Маълумки, товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этишда унинг сабабларига алоҳида эътибор берилади. Чунки, артикуляцион моторика ҳаракатчанлигининг етишмаслиги ва фонематик идрокнинг ривожланмаганлиги товушлар талаффузидаги камчиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Фонематик идрокни шакллантириш ва ривожлантириш ишлари эса товушни нутққа қўйиш ва мустаҳкамлаш ишлари билан параллел равишда олиб борилади. Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларда кузатилади. Шундай товушлар қаторига сирғалувчи товушлар киради. Бу товушлардаги камчиликларни бартараф этиш ишларини болалар учун қизиқарли бўлган ўйин фаолияти билан боғлаб ўтиш орқали, коррекциялаш ишнинг самарадорлигини оширади.

“Насос” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларга “С” товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда ўтиришади. Логопед болаларга шундай дейди: - Ҳозир биз велосипедда сайр қилишга чиқамиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг камерасига ҳаво дамланганми ёки йўқми шуни текширишимиз лозим. Велосипед узок вақтгача минилмаганлиги сабабли камераси бир оз бўшаб қолибди. Унга ҳаво юбориш керак. Насос билан камерага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво С-С-С, деб овоз чиқаради. Болалар аввал бирма-бир, ўнгра биргаликда насос ҳаракатига тақлид қилиб, камерага дам урадилар. Камерага дам бериш вақтида С-С-С товушини чўзиброк талаффуз этадилар. Болалар С товушини тўғри талаффуз этишлари учун лаб ва тилнинг тўғри ҳолатда бўлиши ва ҳаво оқимининг тил ўртасидан чиқишига эътибор бериб бориш зарур.

“Дўкон” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “С” товушини сўзларда тўғри талаффуз этиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед томонидан болаларга ўйин қоидалари тушунтирилади. Болалар тасаввур қилинган мана бу стол-дўкон, стол устидаги расмлар, ўйинчоқлар дўқонида сотиладиган нарсалар.

Логопед болаларга қарата мурожаат этади. Болалар ҳозир сизлар билан шу ўйинни биргаликда ўйнаймиз. Ҳозир ҳар бирингизни дўконга, яъни олдимга бирма-бир чақираман ва келган бола дўкондан ўзига ёққан нарсани харид қилиб олиши керак ва дўкондан харид қилган ўйинчоқ ва нарсаларнинг номини чиройли, баланд овоз билан номлаб беради.

-соат-совун-сандиқ

-асал-арслон-
-гилос-автобус-

Ўйин давомида асосан “С” товуши қатнашган сўзларни урғу бериб жарангдор овоз билан талаффуз қилишга эътибор берилади.

“Гуллар ва асаларилар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “З” товушини нутққа киритиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйин бошланишидан олдин ким асал арилар бўлиши, ким эса гуллар бўлиши аниқланиб олинади (масалан ўғил болалар асал арилар, қиз болалар эса гуллар). Кейин ҳаммалари хона бўйлаб ёки майдончада югурадилар. Логопед ишорасидан сўнг (чапак чалиш ёки бирор бир предметга уриши) қиз болалар яъни гуллар тиззалари билан ўтирадилар. Асаларилар қанотларини қоқиб гулдан гулга қўниб юрадилар. Буни улар асалариларга тақлид қилган ҳолда бажарадилар: В-зз-з-з. Логопед яна чапак чалиши билан болалар ролларини алмаштирадилар. Болалар асалари бўлиб учганларида уларнинг ҳаракати ва “зз-зз-зз” деб тўғри талаффуз этишлари талаб этилади. Товушларни талаффуз этишларида артикуляциянинг тўғрилиги назорат қилиб борилади.

“Чивинлар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “З” товушини нутққа киритиш.

Ўйиннинг бориши: логопед болаларга мурожаат этиб, ҳаммангиз мени диққат билан эшитинглар. Бугун сизлар билан яна бир янги ўйин ўйнаймиз. Ўйиннинг номи “чивинлар”. Болалар билан қандай қилиб боққа сайрга борганликлари ҳақида суҳбат ўтказилади. Болалар, эсингиздами, биз сизлар билан боққа сайрга борган эдик? Кечки пайт чивинлар визиллаб келиб, бизни хўп чаққан эди. Ҳозир сизлар билан “чивинлар” ўйинини ўйнаймиз, дейилади. Болалар бунинг учун биз икки гуруҳга бўлинамиз. Биринчи гуруҳ болалари чивинлар, иккинчи гуруҳ болалари эса сайр қилиб юрувчилар бўлишади. Чивин бўлган болалар “з з з” деб сайр қилиб юрган болалар кетидан югуришади. Сайр қилиб юрган болалар эса чивинлардан қочишга, яширинишга ҳаракат қилиб, уйларига югуришади. Хона бурчагидаги стулчалар уйча ҳисобланади. Сўнгра роллар алмашинади. Ҳаммага тушунарлими, унда бошладик. Болаларнинг умумий ҳолати ва товушни тўғри талаффуз этишига эътибор бериб борилади.

“Расмни жуфтини топ” ўйини

Ўйиннинг мақсади: «З» товушини сўзларда тўғри талаффуз қилишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулларда ўтиришади. Логопеднинг столи устида тескари қилиб қўйилган расмлар туради. Ҳар бир болага худди шу расмдан яна бири бериб чиқилади. Логопед болалардан бирини чақиради ва чақирилган бола столдаги расмлардан бирини олади ва уни кўрсатиб баланд овоз билан “Мен занжирни расмини олдим, кимда худди шу расмнинг жуфти бор” – дейди. Шу расмнинг жуфти бўлган бола

ўрнидан туради. Ўрнидан турган бола ҳам ўртоқларига расмни кўрсатиб, “Мендаги расмда ҳам занжир тасвирланган”, дейди. Болалар ҳар жуфт расмни устига қўядилар. Ўйин шу тариқа то стол устидаги расм тамом бўлгунча давом этади. Бунинг учун “з”товуши сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келган расмлардан фойдаланилади.

Буларга: зина, узум, пиёз, дазмол, музқаймоқ, узук, ошпаз, сабзи, тарвуз расмлари киради.

“Адашма” ўйини

Ўйиннинг мақсади: С-З товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга иккитадан расм берилади. Биттасида насос тасвирланган, иккинчисида чивин расмлари. Насос тасвирланган расмни болалар чап қўлларига оладилар. Чивин тасвирланган расмни эса ўнг қўлларига оладилар. Тарбиячи номида С ёки З товуши ҳамда бир сўзда С ва З товуши бор бўлган расмларни болаларга кўрсатади ва номини айтади. Масалан: сабзи, сумка, юлдуз, газета, сомса ва ҳаказолар.

Болалар сўзда ҳар икки товуш бор бўлган расмларни кўрсатадилар ва С-З товушларида қайси бири сўзнинг бошида келаётганлигини айтадилар. С ва З товушини расмлар орқали таққослаш керак. Машғулот пайтида номида С ва З товуши бўлган расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар логопед болаларга бундай расмларни кўрсатса, болалар қўлларидаги расмларни кўрсатмасликлари керак.

1.2. Шовқинли товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

“Ўрмон шовуллайди” ўйини



Ўйиннинг мақсади: “Ш”товушини нутқда хосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга ёзда боғ ёки ўрмонда сайр қилганликларини эшитишини таклиф этади. У ерда баланд дарахтларни қурганликларини узун-узун шохларида барглари кўп эканлигини эслашади. Шамол эсганда дарахтнинг шохлари тебраниб “ш-ш-ш” деган овоз чиқаради. Аввал шамол секин эсади, бунда болалар секин овозда “ш-ш-ш” деб талаффуз этадилар ва қўлларини ҳаракатга келтирадилар. Аста секин шамол кучайиб боради. Дарахтларнинг барглари кучли тебранади. Бунда болалар кучли овоз билан “ш-ш-ш” деб талаффуз этадилар. Сўнгра логопед болаларга қўлларини дарахтнинг шохчаларига ўхшаб юқорига кўтаришларини ва шамол эсганда дарахтларнинг шовуллашга ўхшаш “ш-ш-ш” деб овоз чиқаришларини таклиф этади. Логопед товушни биргаликда, сўнгра эса алоҳида-алоҳида талаффуз этишни тавсия этади.

Болалар “ш” товушини талаффуз этаётганларида нутқ аппарати яъни лаб, тил, ҳаракатлари ҳаво оқимининг тўғри йўналтирилганлиги кузатиб борилади.

“Жимжитлик” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Ш” товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Бошловчи девор олдида туради. Болалар эса рўпарадаги девор олдида турадилар. Болалар жуда эҳтиёткорлик билан бошловчининг олдига етиб келишлари керак. Болалар эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилганларида бошловчи “тиш-тиш-тиш” деб огоҳлантиради ва бола тўхтайтиди. Бошловчининг олдига қайси бола биринчи келса шу бола ғолиб деб топилади ва шу бола бошловчи бўлади. Логопед болаларнинг “ш” товушини тўғри ва аниқ талаффуз этишини кузатиб боради.

“Мушук ва сичқон” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Боғланган нутқда “ш” товушини мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Стулчада бир бола кўзини юмиб ўтиради. У мушук ролини бажаради. Қолган болалар сичқонлар ролини бажарадилар. Сичқонлар секин юриб мушукни олдига келадилар ва бармоқлар ёрдамида сеними, шошмай тур! ифодасини қўллаб қуйдаги шеърни айтишади.

Сичқонбойлар жим бўлинг,

Жим бўлинг

Бароқвой қилиғидан

Огоҳ бўлинг,огоҳ бўлинг!

Шу сўзлар айтилгандан сўнг мушук уйғониб кетади ва миёв деб сичқонни қувлайди. Сичқонларнинг уйи чизикча тортиб белгилаб қўйилади ва у ерга мушук кира олмайди. Ўйин ҳамма сичқонлар ушланмагунча давом этиши мумкин. Охирида қолган бола янги ўйинда бошловчи бўлади. Ҳамма ушланган сичқонлар “ш”товуши иштирокида 2-3 та сўз айтишлари керак.

“Ўргимчак туридаги пашшалар» ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Ж” товушини тўғри талаффуз эттиришга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болаларнинг бир қисми ўргимчак турини тасвирлаб, қўлларини туширган ҳолда доира бўлиб туриб оладилар. Болаларнинг қолган қисми пашшалар бўлиб, “ж-ж-ж” деган ҳолда, доира ичида ва атрофида учиб юрадилар. Ўргимчак тўрига илинган бола кучлироқ оҳангда “Ж” товушини талаффуз этади. Тўрга тушмаган бола ғолиб бўлади.

“Сехрли қопча” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “С” товушини “Ш” товушидан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Қопчага сабзи, мушук, шар, соат, соябон, эшик, насос, идиш расмлари солинади.

Болалар 2 гуруҳга бўлинадилар. Логопед бир томонга сичқон расмини, иккинчи томонга мушук расмини илиб қўяди. Гуруҳлардаги болалар биттадан навбатма-навбат чиқиб, қолган расмни олиб, унга қайси товуш иштирок этганига қараб ўз жойларига турадилар, яъни “С” товуши иштирок этган расмни олса, сичқон томонга “ш” товуши иштирок этган расмни олса, мушук томонга ўтадилар. Ҳамма олиб бўлгач, ҳар бир бола ўз расмини кўрсатиб номини айтади. Қолган болалар эса ўртоғи жойини тўғри танлай олганлиги ёки йўқлигини текшириб борадилар. Логопед эса болалар “с” ва “ш” товушларини талаффуз этганларида артикуляцион аппарат ҳолати қандай бўлишини болаларга тушунтиради.

“Расмларни танла” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “С-Ш” товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Номида “С” ва “Ш” товуши бор бўлган расмлар, сўзлар танланади.

Логопед болаларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ болалари “С” товуши бор бўлган расмларни танлаб олади. Иккинчи гуруҳ болалари эса “Ш” товуши бор бўлган расмларни танлайди. Логопеднинг столи устига расмлар ўнг томони билан тартибли қилиб қўйилган бўлади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бола чиқиб ўзларига таъълукли бўлган товуш учун расм олиб, жойларига ўтирадилар. Болалар расм ва предметларни танлаб олиб бўлгандан сўнг, ҳар бир бола ўрнидан туриб, расмларнинг номини айтади. Расмларнинг номини айтганда “С” ёки “Ш” товушини бошқа товушлардан ажратиб айтишлари керак. Қолган болалар расмни номини айтган бола уни тўғри танлаганми ёки йўқми кузатиб боради. Сўнгра болаларнинг ўзлари шу товушлар учун сўз ўйлайдилар ва айтадилар. Логопед “С” ва “Ш” товушлари бор бўлган сўзларни айтади, болалар эса бу сўзларни такрорлаганларида “С-Ш” товушини тўғри талаффуз этишлари керак. Масалан: Сочик, шафтоли, мошина, гилос, шам, шолғом ва бошқалар. Болалар сўзларда С ва Ш товушини, бошқа товушларга нисбатан чўзиброқ талаффуз этишлари С ва Ш товуши қаерда келишини аниқлашлари лозим. Болаларнинг С ва Ш товушларини талаффузидаги артикуляцияси назорат қилиб борилади.

“Топ-чи, менда қайси товуш ?” ўйини

Ўйиннинг мақсади: З-Ж товушларини бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Ўйин бошқарувчиси тайинланади. Бошқарувчи эшикдан ташқарига чиқиб туради, қолган болалар эса номида Ж товуши бор бўлган сўз ўйлаб топадилар. Ўйин бошқарувчи қайтиб келиб, ҳар қайси боланинг ёнига боради, у кимнинг ёнига борса, шу бола ўйлаган

сўзни айтади. Агарда бошқарувчи айтилган сўзларда Ж товушини эшитса, “ж-ж-ж” деб, агар З товушини эшитса, “з-з-з”, деб талаффуз этади. Логопед ва болалар бошловчи товушларни тўғри талаффуз этишини кузатиб борадилар. Сўнгра логопед болаларга расмлар тарқатиб чиқади. Ҳар бир бола навбатма-навбат чиқиб, расмни болаларга кўрсатади ва унинг номини билдирувчи сўзда З товуши бўлса, уни чивин расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди, агарда Ж товуши бўлса қўнғиз расми тасвирланган расм полотноси чўнтагига солиб қўяди. Машғулотнинг охирида логопед болаларга бир неча сўзларни айтади ва уни такрорлашларини таклиф қилади: жигар, занжир, зебра, жазо, қўнғиз, ғижжак. Ҳар бир сўз аниқ ва бўғинларга бўлиб талаффуз этилиши мақсадга мувофиқ.



1.3. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

Болалар учун артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлардан яна бири бу сонор (р, л) товушлари ҳисобланади. Бу товушларнинг аниқ талаффузига баъзан тақлид усули орқали ҳам эришиш мумкин.

“Отлар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Р” товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари от хайдовчилар, иккинчи гуруҳ болалари эса отларга бўлинадилар. Отларни тасвирловчи болалар иккитадан бўлиб қўл ушлашиб турадилар. От хайдовчилари кетдик деб буйруқ берганда от ролидаги болалар отлардек “тақ туқ” деб юрадилар. Логопеднинг бўйруғига биноан хайдовчилар отларни “дррр” деб тўхтатадилар. От ролидаги болалар юришдан тўхтайдилар. Бунда логопед болаларнинг аниқ талаффуз этишини кузатиб боради. Сўнгра болалар ролларини алмашадилар. Логопед болаларни “р” товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиб боради. “Р” товушини талаффуз этганда тил юқориги тишлар орқасига кўтарилган бўлади, тил учи тебраниш (вибрация) кераклиги болаларга тушунтирилади.

“Қарғалар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни “Р” товушини нутқда тўғри талаффуз этишларига ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болалари арчаларни тасвирлаб қўлларни пастга туширган ҳолда доира ўртасида турадилар. Иккинчи гуруҳ болалари: қарғалар бўлиб доира ичига сакраб-сакраб киришади ва “қар-қар-қар...” деб қағиллашади. Учинчи гуруҳ болалари эса кучукчалар ролини ўйнайдилар. Логопеднинг ўйинимиз бошланди деган кўрсатмасидан сўнг арчалар кўтарилади, арчалар орасидан қарғалар “қар-қар” деб учиб келишади. Шу пайт ўрмондан кучуклар “иррр-иррр” деб югуриб қарғаларни ушламоқчи бўладилар. Қарғалар эса “қар-қар” деб учиб кетадилар. Ушланган қарғалар итлар билан бирга қайтишади ва махсус жойга келиб ўтиришади. Ўйин то икки-учта чакқон қарға келиб ушланган қарғаларни қутқармагунча давом этади. Сўнгга болалар ролларни алмашадилар. Ўйин яна давом этади. Логопед ўйин давомида болалар “р” товушини аниқ талаффуз этишлари, “р” товушини талаффуз этганда тил учининг тебранишини болаларга тушунтириб боради.

“Будильник” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Р” товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга стулчаларга ўтириб олишларини айтади. Битта бола логопеднинг ёнида қолади. Логопед болаларга мурожаат этади: Болалар ҳаммамиз тушлик қилиб бўлдик. Энди ҳаммамиз ухлаймиз. Ҳаммамиз фақат будильник жиринглаганда турамиз. Болалар кўзларини юмиб ўтирадилар. Бир неча вақт ўтгандан сўнг логопеднинг кўрсатмасига асосан будильник ролини бажарган бола юриб будильник овозига тақлид қилади “др-р-р-р” ва болаларни уйғотади. Ўйин шу тариқа давом этади. Сўнгга болалар ўзаро ролларни алмашадилар. Логопед болаларнинг р-р-р товушини тўғри талаффуз этишини кузатиб боради.

“Рангли автомобиллар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Р” товушини нутқда ҳосил қилиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар бир катор бўлиб стулчаларда ўтирадилар. Улар автомобил хайдовчиларидир. Ҳар бир болага қоғоздан ясалган халқа, яъни машинанинг руллари берилади. Логопеднинг ёнида бир нечта рангли байроқчалар туради. Логопед байроқчани кўтарганда ўша рангдаги рул эгалари машиналарини хайдайдилар ва моторнинг овозига тақлид қилиб “р-р-р” деб талаффуз этадилар. Логопед байроқчани пастга туширганда машиналар тўхтади ва болалар гаражга қайтадилар. Кейин логопед бошқа рангдаги байроқчани кўтаради. Ўйин шу тариқа давом этади. Адашган бола ўйиндан чиқади. Ҳолиб бўлган болага машина совға қилинади.

“Рубоб чаламиз” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларнинг “Л” товушини тўғри талаффуз этишларига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга “Ҳозир сизлар оркестр бўласизлар. Оркестрда кўп мусиқа асбоблари чалинади. Сизлар рубоб чаласизлар”, деб рубобни қандай ушлаб чалиш кераклигини кўрсатади (чап қўли билан худди рубобнинг пардасини ушлаётгандек, ўнг қўли билан эса торни чертаётгандек ҳаракат қилиб “ла-ла-ла”, деб айтади). Логопеднинг ишораси билан ҳамма болалар рубоб чаладилар ва “л-л, ла-ла” тавшларини талаффуз этадилар. Л товушининг тўғри артикуляцияси логопед томонидан кузатиб борилади.

“Пароход” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Л товушининг туғри талаффузига эришиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга шундай дейди: “Болалар ҳозир ҳаммамиз пароходга тушиб сайр қилгани борамиз. Сизлар пароход қандай овоз беришини биласиларми? Эшитинглар: л,л,л... пароход қандай гудок беришини такрорлаймиз. Энди тилни кенг қилиб тишлар оралиғига кўйинг ва пароходнинг гудок чалишини бажариб кўрсатининг. Болалар бу ҳаракатни бажарадилар, тишлар оралиғида “Л” товуши ҳосил бўлади. Болалар л-л-л деб бир неча бор такрорлайдилар. Логопед ва болалар бу машқни кетма - кет такрорлайдилар. Болаларга энг баланд масофада учиб кетаётган самолётнинг овози ҳам “л” товушига ўхшаш эканлигини эслатиб ўтиш лозим.

“Ўз расмингни топ” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “Р”-“Л”товушларини фарқлашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга “р” ва “л”товуши бор расмларни олиб тартиб билан қўйиб чиқади. Логопед болаларни 2-гуруҳга бўлади.1-гуруҳ боалари “р” товуши бор бўлган расмларни олади, 2-гуруҳ болалари эса “л” товуши бор бўлган расмларни олади. Логопедни кўрсатмаси билан ҳар бир гуруҳдан биттадан бола ўз товушига таъллуқли бўлган расмни олади. Сўнгра ўз гуруҳи олдига келиб, биринчи турган болани қўлига секин туртади ва болаларнинг орқасига бориб туради. Ҳамма болалар расмни олиб бўлганларидан кейин стулга ўтиришади. Ҳар бир бола ўз расмини кўрсатиб номини айтади. Масалан: ручка, ракета, лола, стол, стул, анор, рўмол олмоҳон, гилос, гул, олма, хўроз, тарвуз, карам, сигир. Қолган болалар эса ўртоғи расмни тўғри олганлиги ёки йўқлигини текшириб борадилар. Болалар расмни олганларидан сўнг уни номлаб, бўғинларга ажратадилар ва “р” ёки “л” товушлари сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келганини айтадилар.

1.4. Тил орқа товушларни нутқга қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга оид ўйинлар

Артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушларнинг қолган турига тил орқа (к,г,х) товушлари киради. Тил орқа товушларининг аниқ талаффузини ҳосил қилишда, асосан механик усулдан кенг фойдаланилади. Бу товушларни ҳосил қилишда тақлид усулидан унумли фойдаланиш яхши натижа беради. Қуйида келтирилган ўйинлар тақлид қилиш усули орқали тил товушларидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

“Как-ку” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “К” товушини аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Логопед болаларга мурожаат этиб шундай дейди: “Эсингиздами болалар, биз сизлар билан ўрмонга сайрга борган эдик. Бизлар йўлда кетаётиб, катта полиз ёнидан чиқиб қолдик. Қарасак, чумчуқлар полиздаги кунгабоқарларни чўқишяпти, уларни болалар ҳайдаб юборишди. Сизлар чумчуқларни ҳайдаб юборган эдингиз?” (“кишт-кишт”). Биз ўрмонга етиб бордик. У ер жуда ҳам чиройли эди, гуллар тера бошладик. Бирданига какку сайрай бошлади: “ка-ку, ка-ку...”. Какку қандай сайрайди? (ка-ка-ку). Кўп гуллар териб орқамизга қайтдик. Ариқ бўйидан ўтдик. Ариқ бўйида қурбақа чиройли қуриллаётган эди. Қурбақа қандай қуриллайди? (ква-ква-ква). Товушларга тақлид қилишда К товушини аниқ талаффуз этиш лозим. К товушини овоз кучи билан ажиратиш керак.

“Хўроз, товуқ ва жўжалар” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “К” товушини бўғинларда мустаҳкамлаш.

Ўйиннинг бориши: Бир бола хўроз, бир бола товуқ, қолган болалар жўжалар ролини бажаришади. Товуқ ва жўжалар дон чўқиб ўтиришибди. (болалар бармоқлари билан полни тақиллатишади). Хўроз кириб келганда, жўжалар парда орқасига яшириниб олишади. Хўроз “ку-ка-ре-ку, ку-ка-ре-ку, кичкина жўжалар қани?” деб сўрайди. Товуқ бўлса “қо-қо, қо-қо жўжаларинг кетиб қолди уларни излаб топ деб жавоб беради. Хўроз жўжаларни излай бошлайди. Жўжалар топилгач бирга ўйнашни таклиф этади. Жўжалар тарқалиб кетишади. Хўроз уларни қувалайди. Ўйин давомида роллар алмашинади. Хар бир боланинг товушларни тўғри ва аниқ талаффуз этиши кузатиб борилади. Лозим келганда товушлар талаффузи тўғирланади.

“Нима етишмайди?” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “К” товуши билан келадиган бўғин, сўз, гапларни тўғри ва аниқ талаффуз этишга эришиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларида ўтиришади. Логопед стол устига копток, коса, эшик, капалак, китоб, расмларини ёки ўйинчоқларни териб қўяди ва болаларга бу ўйинчоқларни диққат билан кўриб олишни

таклиф этади. Чақирилган бола эшик орқасида туради. Бошқа бир бола эса ўйинчоқлардан биронтасини яширади. Эшик орқасида турган бола келиб қайси ўйинчоқ етишмаслигини айтади. Шундан кейин логопед, номида “К” товуши бор бўлган расмларни кўрсатади, болалар уларнинг номларини айтадилар. Номланган предмет ёки расмлар бўғинларга бўлиниб, “к” товуши сўзнинг бошида, охирида, ўртасида келгани аниқланади.

“Телефон” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни “Г” товуши билан келадиган сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларда бир қатор бўлиб ўтиришади. Логопед биринчи бўлиб ўтирган болага сўзни пичирлаб айтади. У ҳам ёнидаги болага пичирлаб шу сўзни айтади. Шу тариқа, айтилган сўзни бир-бирларига пичирлаб айтадилар. Сўнгра сўзни биринчи бўлиб айтган бола қаторнинг охирига бориб ўтиради. Бола охириги сўзни айтиб бўлганларидан кейин уларга логопед расм бўйича кичкина гап тузишни таклиф этиши мумкин. “Телефон” ўйинини ўйнаганда болалар сўзни бир-бирига пичирлаб, аниқ айтишлари лозим, акс ҳолда сўз кейинги болаларга тушунарсиз бўлиши мумкин.

“Ким меҳмонга келди” ўйини

Ўйиннинг мақсади: “К-Г ” товушларини фарқлаш.

Ўйиннинг бориши: Болалар бир қатор бўлиб ўтирадилар. Логопед болаларга мурожаат қилади. Болалар бугун бизнинг боғчамизга кушлар, паррандалар меҳмонга келишибди. Биз уларни аниқлашимиз керак. Логопед болаларга расмларни кўрсатади. Болалар эса расмдаги куш ёки парранданинг овозига тақлид қиладилар. Логопед: Қаранглар болалар кушлар учиб келишди-дейди ва расмларни кўрсатади. Болалар расмга қараб “как-ку, как-ку” “гу-гу-гу” деб овоз чиқарадилар. Сўнг логопед курбақанинг расмини кўрсатади. Болалар “ква-ква-ква” деб овоз чиқарадилар. Логопед ғоз, хўроз, товуқ расмини кўрсатади. Болалар уларнинг овозларига тақлид қиладилар. Ўйин давомида болалар гуруҳ бўлиб жавоб берадилар. Сўнгра логопед ҳар бир болага алоҳида расмларни кўрсатиб тўғри ва аниқ талаффуз этишни аниқлайди.

“Товушдан таниб ол!” ўйини

Ўйиннинг мақсади: Товуш тақлидида “Г-К” товушларини дифференциацияси.

Ўйиннинг бориши: Болалар айлана шаклида қўйилган стулчаларга ўтирадилар (уйча). Битта бола уйчага яқинлашиб эшикни тақиллатади “тақ-тақ-тақ”. Уйчада ким яшайди. Болалар бирор хайвон ёки куш товушига тақлид қилиб жавоб беришади. “га-га-га”, “ква-ква-ква” “му-му-му”, “ку-ка-ре-ку”. Эшикни тақиллатган бола жавобни эшитиб уйчада ким яшагини аниқлаши керак. Ўйин давомида болалар ўзаро рол алмашадилар.

Назорат саволлари:

1. Сирғалувчи товушларнинг тўғри артикуляциясини таърифланг.
2. Сирғалувчи товушларни нутққа қўйишга оид ўйинларга мисоллар келтиринг.
3. Сирғалувчи товушларни нутқда мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларга мисоллар келтиринг.
4. Шоқинли товушларнинг тўғри артикуляциясини таърифланг.
5. Шоқинли товушларни нутққа қўйишга оид ўйинларга мисоллар келтиринг.
6. Шоқинли товушларни нутқда мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларга мисоллар келтиринг.
7. Сонор товушларнинг тўғри артикуляциясини таърифланг.
8. Сонор товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларга мисоллар келтиринг.
9. Тил орқа товушларнинг тўғри артикуляциясини таърифланг.
10. Тил орқа товушларни нутққа қўйиш, мустаҳкамлаш ва фарқлашга қаратилган ўйинларга мисоллар келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017
2. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. Тошкент-2013.
3. М.Аюпова. Логопедия. Тошкент-2007.
4. К.Шодиева “Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент.1995.
5. Игры в логопедической работе с детьми. Под ред. В.И.Селиверства. Москва 1991.
6. И.Г. Веретенникова. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. Тошкент – 1998.
7. Нуркелдиева Д.А., Аюпова М.Ю., Ахмедова З.М. Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар. Тошкент “Янги аср авлоди” 2007.
8. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
9. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлари сайти.

4-Мавзу: Дудукланишни бартараф этишга қаратилган ўйинлар

Режа:

- 1.1. Дудукланишни бартараф этишда нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар.
- 1.2. Дудукланишни бартараф этишда ҳаракатли ва дидактик ўйинлар.
- 1.3. Дудукланишни бартараф этишда релоксация машқлари.

Таянч иборалар: дудукланиш, дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, релоксация машқлари.

1.1. Дудукланишни бартараф этишда нафасни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар

М.Ф. Брунс фикрича ўйин орқали дудукланадиган болани характери шаклланади, уни интизоми, жамоага муносиб тафаккури фаол нутқ фаолияти шаклланади. Ўйинда эмоционал томони болаларда қизиқиш уйғотади ва логопедга болага керакли вақтда таъсир кўрсатиш учун имконият беради. Дудукланувчи болаларбилан олиб бориладиган коррекцион ишларда тўғри нутқий нафасни ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

"Капалаклар учяпти" ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри, узлуксиз ҳаво оқимини ҳосил қилишга эришиш

Ўйиннинг бориши: Болалар стулчаларга ўтиришади.

Логопед болаларга:

-Болалар қаранглар-а, қандай чиройли капалаклар: кўк, сарик, қизил! Улар худди жонли капалакларга ўхшайди. Кўрайликчи, улар уча оладиларми?

Логопед капалакларни пуфлайди.

-Қаранглар, учиб кетишди. Қани сизлар ҳам пуфлаб кўрингларчи. Кимнинг капалаги узоққа учар экан?

Логопед ҳар бир капалакнинг қаршисига биттадан болани турғазиб кўяди, болалар капалакка пуфлайдилар.

Методик кўрсатма: Ўйин бир неча маротаба такрорланади. Бунда болаларнинг тўғри туришига, нафас олганларида елкаларини кўтармаслигига аҳамият бериб бориш керак. Болалар бир нафас чиқаришда, ҳаво олмасдан туриб, бирон нарсани пуфлашлари керак. Лаблар бир оз олдинга чиққан бўлиши керак. Ҳар бир бола бирор нарсани 10 сониядан (орасида танаффус қилиш билан) ортиқ пуфламаслиги керак. Давомли танаффуссиз 10 сониядан ортиқ пуфлаш бош айланишини келтириб чиқариши мумкин.



"Кимнинг қушчаси узоққа учади?"

ўйини

Ўйиннинг бориши: Иккита стулчанинг қирраларига қушчалар қўйилади, стулчалар бири-биридан 30 см узоқликда туриши керак. 4 бола чақирилиб, ҳар бир стулчанинг қиррасида турган қушчаларнинг тўғрисида турғазиб кўйилади.-



Қушчалар учишди!-дейилгач, болалар шаклларни пуфлашади. Бошқалари эса кимнинг қушчаси узоққа учганлигини кўрсатадилар.

Методик кўрсатма: Болалар юпқа қоғоздан тайёрланган қушчаларни пуфлаганларида лунжлари шишмаслиги керак. Қирқиб ипга осилган шаклларни бир нафас чиқаришда ҳаракатлантириш керак. Логопед болаларга қушчани пуфлаганда кетма-кет(бўлиб-бўлиб) пуфлаш мумкин эмаслигини айтади ва ўзи қушчани пуфлаб кўрсатади.

"Шарни шишириб бер" ўйини

Ўйиннинг мақсади: Нафас чиқаришни ривожлантириш. Лаб мушакларини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болаларга шар ва резина ўйинчоқлар берилади. Ўйинчоқларни болалар бурун орқали нафас олиб пуфлаб шиширишлари керак. Ўйин давомида логопед болаларнинг тўғри нафас олиб, тўғри чиқаришларини, ҳамда ўйинчоқларни пуфлаб шишираётганларида зўриқиб, чарчаб қолмасликларини назорат қилиб бориш лозим. Акс ҳолда ўйин болаларга зиён етказиши мумкин. Топшириқни тўғри бажарган бола ўйинчоқ билан мукофотланади

"Ёқимли хид" ўйини

Ўйиннинг мақсади: Тўғри нафас олиш ва чиқариш малакасини ривожлантириш

Ўйиннинг бориши: Болалар галма-гал гулдонда турган гулнинг олдига келиб, уни хидлайдилар. Нафас чиқариб бўлишгач, болалар "қайси гулнинг хиди эканлигини" айтадилар. Болалар тўғри чуқур нафас олишлари ва нафас чиқаришлари логопед томонидан кузатиб борилади.

"Қайсар шамни ўчир" ўйини

Ўйиннинг мақсади: Болаларни тўғри нафас олиш ва нафас чиқаришга ўргатиш.

Ўйиннинг бориши: Болалар ўнг қўлда шам шаклида рангли қоғозларни ушлайдилар. Чап қўлни нутқий нафасни тўғрилигини назорат қилиш учун қорин устига қўядилар. Оғиз билан секин сезиларсиз нафас олинади. Шу пайт қорин шишгани сезилади, шундан сўнг секин нафас чиқариб "Шамларни ўчирамиз" "пуф-пуф" товуши талаффуз қилинади. Болалар нафас олганларида елкаларини кўтармасликлари, нафас чиқарганда эса лунжлар шишмаслиги болаларга тушунтирилади. Логопед болалардан қайси бири тўғри бажарганини таъкидлаб ўтади ва рағбатлантиради.



1.2.Дудукланишни бартараф этишда ҳаракатли ва дидактик ўйинлар

Дидактик ўйинлар катталар томонидан тузилади, ўзига хос маълум бир мазмун ва қоидаларга эга бўлиб, болаларни юқори даражадаги фаолликка ундайди. Аниқ қоидали ва ҳаракатли дидактик ўйинлар барча дудукланувчи болаларни бир ҳолатга қўяди, бу эса уларда интизомлиликни тарбиялашга имкон беради. Дидактик ўйинларда логопед нутқи намуна сифатида катта аҳамиятга эга. Логопеднинг нутқи коррекциялаш курсининг бошларида болаларнинг тинч алоқа қилишларига ёрдам беради.

Дудукланувчи болаларнинг нотўғри нутқи ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлса ҳам ўйин давомида намоён бўлади. Ўз камчилигини билиш, ўз нутқларидан кўрқиш кабилар болаларни ўйин фаолиятига киришишларига қийинчилик туғдиради. Бундай болалар ўйин давомида пассив кузатувчи бўлиб қатнашадилар ёки умуман қатнашмайдилар. Баъзида эса аксинча болалар ўйинда фаол иштирок этадилар. Дидактик ўйинлар орқали бу каби камчиликларни бартараф этиш мумкин. Турли ёшда дидактик ўйинлар мазмуни, қоидаси ўзгариб боради. 5 ёшдаги болалар дидактик ўйинларда предметлар сони ва сифати, уларни ташқи кўриниши бўйича таққослашни ўрганадилар. Бу ёшда “Ким биринчи уйчани қуради?”, “Ажойиб халтача”, “Доираларни йиғиштир”, “Рангли идишлар” каби ўйинлар ўйналади. 6 ёшдаги болалар учун ўйинлар мураккаброқ тусда бўлади, улар “Дўкон”, “Жуфтини топ”, “Расмларни жойлаштир”, “Кимга қанча”, “Домино”, “Ким нима қиляпти”, “Зоологик лото”, “Лего конструктор”, “4 чиси ортиқча” каби ўйинлардир.

1.3.Дудукланишни бартараф этишда релоксация машқлари

Бўйин мускулларини бўшаштиришга оид машқлар

Дудукланувчи болада бўйин ва юқори елка катори мускулларнинг тонуси баланд бўлади. Бўйин мускулларини бўшаштириш рефлектор тарзда тил илдизининг тонусини пасайтиради, пастки жағнинг ҳаракатларини фаоллаштиради.

Қуйидаги уқалаш ҳаракатларини ўтказиш тавсия этилади:

1. Икки қўл кафтлари билан юқорида пастга қараб бўйинни секин силаш;
2. Қўлларни энсага, бўйиннинг орқа қисмига қўйиш;
Қўлларни бўйинни ёки қисми бўйлаб пастга қўлтиқ ости чуқурчасигача сирпантириш.

“Кема» машқи”



Мақсад: Боланинг ўз танасини тўғри ушлай олиш, умумий моторикани ривожлантириш.

Болалар тасаввур қилинг биз кемада саёҳат қиляпмиз. Кема чайқалмоқда. Кемадан тушиб кетмаслигимиз учун оёқларни кенг қўямиз, қўлларимизни орқага боғлаймиз . Кема чап тарафга чайқалди. Тана оғирлиги чап оёққа ўтди; кема ўнгга чайқалди ва оғирлиги ўнг оёғимизга ўтди (чап оёғимиз эса бўшашди). Энди нафас олиб мен билан қайтаринг (логопед кўрсатиб машқни бажаради). Болалар ўнг ва чап қўл ва оёқларини навбатма-навбат бўшаштириш ҳаракатларини бажариб борадилар.

“Буғу” машқи



Мақсад: Қўл ва елка мушакларини бўшаштириш. Болалар тасаввур қилинг, биз буғумиз. (Қўлларни бошимиз томон кўтарамиз, бармоқларимизни кенг очамиз). Буғуларнинг шохлари мана шундай. Ҳаммамизнинг қўлларимиз буғу шохидек қаттиқ бўлди. Қўлларимизни бу ҳолатда ушлаш қийин, қўллар чарчади, қўлларимизни тезда тиззага тушурамиз. Қўлларимиз бўшашади ва дам оляпти.

“Стулча” машқи

Мақсад: Қўл мушакларини бўшаштириш.



Болалар, стул четига ўтириб стул суянчиғига суянамиз. Қўлларимизни бўшаштириб тиззаларимизга қўямиз. Оёқларни елка кенглигида қўямиз. Ушбу машқни логопед болаларга тушунтириб, кўрсатиб беради. Болалар машқни бажариш давомида елкаларини эркин тутиш, қўлларни осилтирганда мушакларни бўш қўйишлари логопед томонидан назорат қилиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. Тошкент-2013.
2. М.Аюпова. Логопедия. Тошкент-2007.
3. И.Г. Веретенникова. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. Тошкент – 1998.
4. Нуркелдиева Д.А., Аюпова М.Ю.,Ахмедова З.М. Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар. Тошкент “Янги аср авлоди” 2007.
5. Селиверстов В.И. Заикание у детей. -М.: Владос, 1994.
6. Зуева Л.Н. Настольная книга логопеда. - М.: АСТ, 2005г.
- 7.Паварова И.А. Коррекция заикания в играх и тренингах. Санкт-Петербург.-2005 г.
1. [хтти://www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
2. [хтти://www.kun.uz](http://www.kun.uz) – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлари сайти.

КЕЙСЛАР БАНКИ

Муаммоли вазият бўйича кейс

1-вазият

Логопед бир неча (с, ш, р) товушларни умуман талаффуз эта олмайдиган бола билан 6-7 маротаба машғулот ўтказди. Машғулот давомида бир қанча ўйин турларидан фойдаланилди. Лекин бола машғулотларда жуда пассив, ўйинга қизиқмайди, айтган вазифаларни бажармайди. Натижага эришиш мураккаб бўляпти. Она эса сизга машғулотлар натижа бермаяпти деб шикоят қиляпти. Сизнинг харакатингиз.

2-вазият

Сиз меъёрда ривожланаётган болалар боғчасида ишлайсиз. Гуруҳингизга Даун бола қўшилди. Лекин ота-оналар бу боланинг гуруҳда бўлишига қарши. Сиз ва ота-оналар ўртасида низо чиқяпти. Мудира сизга ота-оналар билан ўзингиз мураса қилинг деб таъйинлади. Бундай ҳолатда сиз қандай йўл тутасиз.

3-вазият

Шарқ мутафаккирларининг бола шахсининг ахлоқий, ақлий, меҳнат ва эстетик ривожланишида ўйинларнинг аҳамияти ҳақидаги қарашлари ҳақида гапиринг. Ҳозирги даврда миллий ўйинларга берилаётган эътибор қандай. Ўзбек миллий ўйинларига мисоллар келтиринг.

4-вазият

Тайёрлов ўйинларининг мақсад ва вазифалари. Нима учун нутқни ривожлантиришда айнан тайёрлов ўйинлари деб таърифланади.

5-вазият

Гуруҳдаги бир болада оғир даражадаги дудукланиш мавжуд, бола мулоқатга жуда қийин киришади. Янги йил байрамида ўтказиладиган тадбирда барча болалар каби бу бола ҳам иштирок этиши лозим. Қандай ўйин ва топшириқ асосида болани тадбирда иштирок эттириш мумкин.

Кейсни таҳлил қилиш ва ечиш бўйича йўриқнома

Иш босқичлари	Маслахат ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Кейс ечишга доир кўрсатмалар билан танишинг. Кўрсатмаларнинг ҳар бир босқичини диққат билан ўқинг ва услубий кўрсатмаларни ўрганиб чиқиш вақтида муаммоли вазиятларни ечишга шошилманг.
2. Муаммоли вазиятлар билан танишиш	Тақдим этилган муаммоли вазиятлар билан танишинг. Муаммоли вазиятлар мазмунига эътиборингизни қаратинг. Берилган муаммоли вазият қандай вазиятни ҳал этишга қаратилган.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил	Асосий муаммоларга диққатингизни қаратинг. Асосий муаммо: боланинг нутқида товушларни

этинг.	хосил қилиш. Ота-оналарга тўғри йўл кўрсатиш ва муросага келиш. Логопеднинг касбий маҳорати Муаммоли вазиятларни таҳлил қилинг ва ечимини топинг. Берилган вазиятлар юзасидан ечимини топганингиздан сўнг онанинг логопедга бўлган эътирозига нисбатан қандай йўл тутиш юзасидан таклифингизни баён этинг.
4. Муаммоли вазиятларни ечиш усуллари ва воситалари	Муаммоли вазиятларни ҳал этишда, сабабни холислик ва адолатлилик билан ҳал қилинг. Вазиятлар юзасидан ўз таклифларингизни асослаш учун далиллар ўйлаб топинг.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим мавзуси

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мактабгача таълим тизими бўйича ғоялари.
2. Логопедик ўйин фанининг мақсад ва вазифалари.
3. Мактабгача таълим муассасаларида логопедик хужжатларни юритиш.
4. Болалар нутқини текшириш ва Нутқ картасини тўлдириш.
5. Нутқ ўстириш машғулотида болалар луғатини ривожлантиришга оид ўйинлар.
6. Логопедик машғулотларда болалар майда ва умумий моторикаларини ривожлантиришга оид ўйинлар.
7. Мактабгача таълим муассасаларида логопед ва ота-она ҳамкорлиги.
8. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарор мазмун-моҳияти.
9. “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарор мазмун-моҳияти.
10. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармон мазмун-моҳияти.

ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
Коррекция	Коррекция	Correction	Камчиликларни тузатиш, тўғирлаш. Болалар нутқида кузатиладиган камчиликларни тўғирлаш, тузатиш
Артикуляцион аппарат	Артикуляционный аппарат	Articulation apparatus	Нутқ аппарати. Нутқ ҳосил бўлишда иштирок этадиган органлар. Лаб, тил, пастки, юқориги жағ, қаттиқ танлай, юмшоқ танглай, тишлар.
Фронтал машғулот	Фронтальные занятия	Frontal lesson	Мактабгача таълим муассасаларида болалар билан ўтказиладиган гуруҳли машғулот
Индивидуал машғулот	Индивидуальное занятие	Individual lesson	Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган якка тартибдаги машғулот
Ўйин турлари	Виды игр	Type of game	Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ўтказиладиган ўйин. Қуйидаги ўйин турлари мавжуд. Воқеабанд, ҳаракатли, дидактик
Гигиена	Гигиена	Hygiene	Яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқадиган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.
Дидактик ўйинчоқлар	Дидактические игрушки	Didactic toys	Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланиши ва таълим олишида хизмат қиладиган ўйинчоқлар тури. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ ўйинчоқлари (матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар,

			чиллаклар) киради.
Нутқ картаси	Речевая карта	Speech map	Логопед томонидан болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқи логопедик текширилганда нутқ картасига қайд этиб борилади
Ёш гуруҳи	Младшая группа	The younger group	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анаънавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.
Мактабгача болалик	Детский дошколь-ный период	Preschool period	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмнинг жадал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
Мактабгача ёш	Дошколь-ный возраст	Preschool age	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.
Мактабгача таълим муассаса-лари	Дошколь-ные образовате-льные учреждения	Preschool educational institutions	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси қуйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ,

			тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган болалар учун санатория типдаги МТМлар.
Мактабгача таълим муассасаларнинг вазифалари	Задачи дошкольного образовательного учреждения	Preschool educational institution goals	ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.
Мактабгача таълим муассасасининг ривожланиш концепцияси	Концепция развития образовательного учреждения	Conception of development educational institutions	Мактабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган бош ғоя; инновацион жараёнлар натижасида унинг янгилинишига қаратилган чора тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.
Миллий анаъналар	Национальные традиции	National traditions	Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.
Олий таълим	Высшее образование	Highest education	Турли олий даргоҳларда олий малакали мутахасислар тайёрлаш олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахасис бўлишни истаган, ўрта махсус ёки касб хунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни

			шакллантириш йўли билан амалга оширилади.
Тарбияланувчилар	Воспитан-ники	Pupils	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.
Тарбиячи	Воспитатель	educator	Тарбияни амалга оширадиган , ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
Фармон	Указ	Edict	Бирқатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

1. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.

2. “2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

3. “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.

4. “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.

5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

II. Махсус адабиётлар

1. Ахмедова З., Аюпова М., Хамидова М. Логопедик ўйин. Тошкент-2013.

2. М.Аюпова. Логопедия. Тошкент-2007.

3. И.Г. Веретенникова. Логопедическая работа с детьми дошкольного возраста. Тошкент – 1998.

4. Нуркелдиева Д.А., Аюпова М.Ю., Ахмедова З.М. Бармоқлар машқи ва логопедик ўйинлар. Тошкент “Янги аср авлоди” 2007.

5. Селиверстов В.И. Заикание у детей. -М.: Владос, 1994.

6. Зуева Л.Н. Настольная книга логопеда. - М.: АСТ, 2005г.

7. К.Шодиева “Мақтабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш” Тошкент.1995.

8. Игры в логопедической работе с детьми. Под ред. В.И.Селиверства. Москва 1981.

9. Соботович Е.Ф. Речевое недоразвитие у детей и пути его коррекции. – Москва - 2003.

10. Назарова Э.Н., Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я. Логопедические игры. Тошкент-2007.
11. Крутий Г. Учимся играя. Москва – 2000 г.

III. Электрон таълим ресурслари

1. [хттип://www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
2. [хттип://www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
3. [хттип://www.xc.uz](http://www.xc.uz) – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
4. [хттип://www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
5. [хттип://www.kun.uz](http://www.kun.uz) – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлар сайти.